

INDEKS 1072



EZGU FIKR, EZGU SO'Z, EZGU AMAL!

# ILM SARCHASHMALARI

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING  
ILMIY-METODIK JURNALI



ISSN 2010-6246



2020-6

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**6.2020**

**научно-методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2020**

– туйгулар – инсоннинг ҳақиқат объектлари ва ҳодисаларига муносабатининг энг барқарор тажрибаси, тўғридан-тўғри объект ғояси ёки ғояси билан боғлиқ ҳиссиётларни умумлаштириш натижаси;

– эҳтирос – бу кучли, катъиятли ва узоқ давом этадиган туйғу, инсонни тўлиқ бошқаради, инсоннинг барча фикрларини йўналтиради.

Эмоционал ҳолатлар қаторига биологик, физиологик эҳтиёжлар билан боғлиқ туйғулар ҳам киради. С.Ионованинг фикрига кўра, бундай ҳиссий намоёнлиқлар лингвистик тадқиқотлар учун аҳамиятли эмас ва фақатгина бошқа мураккаброқ эмоцияларни декодлашда зарур бўлган маълум стимулга манбаи сифатида ўрганилиши мумкин (Ионова. 1998). Аммо ушбу тадқиқотда биз физиологик намоён бўлиш билан боғлиқ ҳар қандай, ҳатто элементар, ҳиссий реакцияларни кўриб чиқамиз ва аҳамиятли деб ҳисоблаймиз сабаби улар бадний усуллар ёрдамида матнда тасвирланган бўлади.

Инсоннинг ҳиссий тажрибалари бутун ҳиссиёт оламини ташкил этади, ва унинг асосий хусусиятлари инсон ҳақида турли фанлар томонидан ўрганилади (Ионова. 1998). Тилшуносликда эмотивликни билан кўплаб фанлар шуғулланади, аммо ҳиссиётнинг энг кенг камровли ва батафсил ёритилиши билан машғул бўлган фан бу эмотиология ёки ҳиссиётлар тилшунослиги (лингвистики эмоция) бўлади. Бу фан тил ва ҳиссиётлар ўртасидаги муносабатни ўрганиб, турли хил фанларнинг терминологик аппаратларига аниқлик киритади, яъни психология ва тилшуносликка тегишли бўлган “эмоциональный” (ҳис туйғулар) ва эмотивность (ҳиссиётлилик) тушунчаларини фарқлайди. Бироқ эмотиология доирасида эмотивликка жуда турли таърифлар мавжуд. Масалан, В.И.-Шаховский “эмотивлик бу ўз воситалар тизими орқали инсон психикасини ифодаловчи тилнинг семантик хусусиятидир” деб таъкидлайди. Л.А.Пиотровская бироз бошқача фикрга эга, “эмотивлик – бу суҳбатдошнинг объектив ҳақиқатга ҳиссий муносабатини билдириш бу тил бирликларининг ўзига хос функцияси. Бизнинг фикримизча, Л.А.Пиотровскаянинг таърифи ҳиссиётнинг хусусиятларини аниқроқ акс эттиради, чунки биз ўз ишимизда, асосан, нутқ фаолиятида ҳиссиётларни ифода этадиган эмоционал лексик бирликларнинг прагматикасига мурожаат қиламиз.

Умуман олганда, эмотивлик барча тил даражаларида ҳосил бўладиган ҳодисадир: фонетик, морфологик, лексик ва синтактик. Уларнинг ҳар бири ўзинг ифода воситаларига эга. Фонетик жиҳатдан фонемалар сенсор ва эмотив маълумотни етказилади. Масалан, [sl] товушлари инсонга жуда ёқимсиз эшитилади: sly, slither, slow, sloth, sleepy, sleet, slink, slip, slipshod, slope, slit, slay, sleek, slant, slovenly, slab, slap, slough, slum, slump, slobber, slaver, slur, slog, and slate. Салбий ҳиссиётлар [kr] товушлари орқали ҳам намоён бўлади: crash, crack, crunch. Морфологик жиҳатдан морфемлар кадр-қийматни ифодалашга хизмат қилади. Инглиз суффикслари ва аффикслари: -y, -ling, -let, -ster, -kin, -ette, -ard: daddy, kiddy, girlie, mommy, dafty, softy and daddy, birdy. Синтактик жиҳатдан сўроқ, дарак, ундов, эллиптик каби гаплар турли ҳиссиётларни ифодалайди. Булардан ташқари, гапни бўлиш, такрорлаш, нутқни тугатмаслик ҳам ҳиссиётларни яна-да кучли узатишга ёрдам беради. Лексик ва семантик даражада эса нутқ бўлаклари, салбий ва ижобий турларига, тўғри ва кўчма маънога эга сўзлар ва бошқа турларга бўлиниши мумкин. Бадний матнда эса эмотивлик стилистик даражада барча фонетик, синтактик ва лексик услубий воситалар ёрдамида ҳосил бўлади.

Юқорида келтирилган тилшунос олимларнинг таълимотлари натижасига кўра, эмотивлик категориясига бизнинг таърифимиз куйидагича бўлади: эмотивлик – бу муайян шахснинг руҳий дунёси, ахлокий-маданий меъёрлари, атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисалар, ижтимоий-тарихий ҳодисалар, диний тасаввурлари, тили, маданияти, тарихи каби омилларнинг инсон онгида фаоллашувнинг тилда намоён бўлишига айтилади. Умуман олганда, эмотивлик барча тил даражаларида ҳосил бўладиган ҳодисадир: фонетик, морфологик, лексик ва синтактик ва уларнинг ҳар бири ўзинг ифода воситаларига эга.

**Мадаминова Мухаббат (АДУ таянч докторанти (PhD), [muhabbat\\_madaminova@mail.ru](mailto:muhabbat_madaminova@mail.ru))  
УНДАЛМАНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Аннотация. Ушбу мақолада ўзига хос синтактик қурилма – ундалмаларнинг лексик-грамматик табиати асосида нутқий мулоқот жараёнидаги лингвопрагматик хусусиятлари субстанциал ёндашув асосида тадқиқ қилинди.*

**Аннотация.** В статье на основе содержательного подхода исследованы лингвистические особенности процесса речевого общения, основанные на лексико-грамматической природе конкретного синтаксического аппарата гласных.

**Annotation.** In this article, the linguistic features of the speech communication process based on the lexical-grammatical nature of the specific syntactic device-vowels were studied on the basis of a substantive approach.

**Калит сўзлар:** *pragmalingvistika, undalma, struktura, predmet, kommunikant, sintaktik qurilma, nutq.*

**Ключевые слова:** *прагмалингвистика, подтяжка, структура, предмет, коммуникант, синтаксическое устройство, речь.*

**Key words:** *Pragmalingvistics, exclamation point, structure, predicate, communicant, syntactic device, speech.*

Прагмалингвистика турли сатхларга оид тил бирликларининг нуткий мулоқот жараёнидаги тадқиқига янгича муносабатни талаб қилмоқда. Коммуникантлар нуткий мулоқот жараёнида онгли тафаккур орқали бир-бирларини англайдилар. Сўзловчи нуткий вазиятда ўз онгидаги умумий билимлар тизимидан воқеликка ҳос хусусий белгиларни танлайди ва улар орқали коммуникатив ниятини баён қилади.

Нутқ адресант максadini адресатга таништирувчи асосий омил сифатида нуткий ифодани шакллантирувчи (адресат) ва уни қабул қилувчи (адресат) ўртасидаги мулоқот воситаси, яъни мураккаб ва ўзига ҳос ташкил этилган онгли фаолият шаклидир. Мулоқот жараёнидан, албатта, маълум бир мақсад кўзланади. Мақсад эса прагматик омилларнинг лисоний ҳодисалар билан уйғунлашуви натижасида рўёбга чиқади. Шу маънода, “лингвистик прагматика тилшуносликнинг янги соҳаси сифатида нутқ субъектининг ички мақсади билан боғлиқ яширин пропозицияларни ўрганади”.<sup>1</sup>

“...гап таҳлилида тор маънодаги синтактик доирадан чиқиш ва ушбу ҳодисанинг дискурсив-прагматик табиатини ўрганиш лингвистик тадқиқотларни янги поғонага олиб чиқди”.<sup>2</sup> Шу тариқа, синтактик қурилмаларнинг мати прагматикасидаги ўрни ва ролини тадқиқ қилишга эҳтиёж кучайди.

Маълумки, таркибида ундалма, кириш ва киритмалар, ажратилган бўлақлар, ундовлар қатнашган гаплар мураккаблашган содда гаплар ҳисобланади. Бундай гаплар ҳам шаклий, ҳам мазмуний жиҳатдан мураккаблашади. Ундалма, кириш ва ундовлар ифодалаган муносабат гап орқали ифодаланаётган синтактик вазият билан сўзловчи ўртасидаги муносабатдир. Бундай муносабат «субъектив муносабатни ифодалайди».<sup>3</sup>

Мураккаблашган содда гаплардаги бундай муносабат гапнинг мазмунини кенгайтиради. Ундалма ундаш муносабатини, киришлар модал муносабатларни ифодаласа, ундовлар сезиш ва таъсирланиш муносабатини ифодалайди.<sup>4</sup>

М.Қосимова ундовларни ҳам субъектив муносабат билдирувчи интродуктив алоқага киришувчи, яъни синтактик алоқага киришмайдиган, фақат мазмуний томондан боғланадиган бирликлар қаторида тадқиқ қилади. А.Нурмонов ва А.Р.Сайфуллаевларнинг бу борадаги ишларида масалага тўғри ёндашилганини эътироф этган ҳолда, яна бир лисоний бирлик – ундовлар эътибордан четда қолдирилганини таъкидлайди. Бу ўринда ундов сўзларнинг ундалма таркибида келиши назарда тутилмайди. Ундов сўзлар, кўпинча, гапда кириш сўзга ўхшаш вазифа бажариб, ундов бўлиб келади. Бундай ундовлар гап мазмунига эмоционал бўёқ бериб, унинг прагматик ҳолатини ўзгартириши мумкин.

Ундалмалар ўзининг лексик-грамматик табиати билан нуткий вазият мазмунига таъсир эта оладиган кучли тил бирлиги ҳисобланади. Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни билдирадиган сўз ёки сўз бирикмаси ундалма дейилади. А.Р.Сайфуллаевнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундалма” рисоласида ундалманинг умумий характеристикаси, лексик-семантик хусу-

<sup>1</sup> Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. Т., Академнашр, 2013, 47-бет.

<sup>2</sup> Сайфуллаев А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундалма. Т., «Фан», 1968.

<sup>3</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Т., «Ўқитувчи», 1995, 98 – 99-бетлар.

<sup>4</sup> Қосимова М.Бадий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари асосида). ФФН дисс., Т., 2007.

сияти, морфологик-синтактик ифодаланиши, структураси батафсил баён этилади, шунингдек, ундалманинг гапдаги ўрни, интонацияси, тарихий тараққиёти, услубий табиати, ажратилган ва уюшган ундалмалар ҳақида ҳам сўз юритилади. Рисоланинг эътиборли жиҳати шундаки, ундалма гап бўлаклари – эга, кесим, тўлдирувчи, ҳол ва аниқловчининг эквиваленти бўлиб келиши билан грамматик хусу сиятга ҳам эга эканлиги таъкидланади.<sup>1</sup>

Ундалманинг гап ичида мавжудлиги, яъни системанинг ажралмас бир узви сифатида, А. Сайфуллаев ва М.Қосимоваларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда, ундалма, кириш ва ундовларни “гапнинг учинчи даражали бўлаклари” тарзида таснифланиши тарафдоримиз.

Ундалма гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайди, лекин сўзловчининг ундаш муносабатини, тингловчи субъектни, бадний матнда эса тингловчи эътибори қаратилмоқчи бўлган предмет ва тушунчаларни ҳам ифодалайди. Ундалманинг қандай объектив вазиятни ифодалаш мақсадида қўлланганини эса фақат нуткий вазиятнинг дискурсив мазмуни белгилайди. Шу жиҳатдан ундалмалар ижобий, салбий, нейтрал қобикларда ҳурмат, эркалаш, кесатик, дўқ-пўписа, қарғиш, менсимаслик, хушомад каби қатор семаларни ифодалаш мумкин.

Ундалмалар оғзаки сўзлашувда, бадний ва публицистик матнларда фаол қўлланади. Уларни қўллаш экспрессивликни синтактик усул билан ифодалаш имкониятини ҳам беради.

М.Йўлдошев ундалмаларни мурожаат бирликлари деб атайди: “Мурожаат бирликлари кундалик ҳаётимизда, нутқ фаолиятида – нутқ жараёнида кенг қўлланиладиган, ўзаро алоқа аралашувга фаол хизмат қиладиган, сўзловчининг тингловчига бўлган муносабатини ифодалайдиган, ўзида турли модал маъноларни ташийдиган ўткир, таъсирчан воситадир. Мурожаат бирликларидан нутқда тингловчи эътиборини тортиш, хитоб қилиш, ундаш каби мақсадларда фойдаланилади. Бундай бирликларда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги яқинлик, ҳурмат, ишонч, масофа (субординация), ҳурматсизлик, ишончсизлик каби коммуникатив муносабатлар ҳам ифодаланган бўлади. Ундалманинг лексик-грамматик хусусиятларидан бири ўзи ифодалаётган шахс ёки предметни тавсифлаши ҳам мумкин.”

И.Расулов ундалмаларни 2 гуруҳга ажратади:

1. Стилистик нейтрал ундалмалар.

2. Баҳо характеристикаси ифодаловчи ундалмалар.<sup>2</sup>

Кўпинча, шахснинг исми, фамилияси, унвони, қариндошлик муносабатини билдирувчи сўзлар нейтрал маъно ифодалаб келиши мумкин.

– Қизикмисан, **Рашид**, нимасидан хижолат тортасан? Ундан кўра, ўзингдан гапир (У.Ҳамдам. “Мувозанат”).

– Амма, Роби опам қачон келадила? (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”).

– Дада, менга нима олиб келдингиз? (Оғзаки сўзлашувдан).

Расмий матнларда, асосан, нейтрал ундалмалардан фойдаланилади:

**Ҳурматли сенаторлар!** Юқори палата ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида яқин ва узок истиқболда куйидаги муҳим вазифаларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайман (Ўзбекистон Президенти нутқидан).

Баҳо характеристикаси ифодаловчи ундалмалар эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлиб, фақат нутқ адресатини ифодаламай, уни характерлайди, унга муносабат билдиради.

Бундай ундалмалар табиатан салбий бўёқдорликка эга бўлган сўзлар, метафорик лексемалар, субъектив баҳоли сўзшакллар, вулгаризмлар, варваризмлар, ундалмаларнинг такрорланиши каби тил бирликлари орқали ҳосил бўлади.

Метафорик ундалма:

– Мен сенга бирон ёмон гап гапирдимми, **ит!!** (Тоғай Мурод. “От кишнаган оқшом”).

Кўзимни очсам, Ҳожи буви жилмайиб турибди.

– Нега тишлайсан, **кучуквой?**–деди бошимни силаб (Ўткир Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”).

Биринчи жумлада “ит” сўзи метафора асосида салбий бўёқдорликка эга бўлиб, тингловчига нисбатан нафратни ифодаласа, иккинчи жумладаги “кучуквой” сўзи болага нисбатан қўлланиб, эркалаш маъносини ифодалаган.

<sup>1</sup> Сайфуллаев А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундалма. Т., «Фан», 1968.

<sup>2</sup> Қосимова М.Бадний нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари асосида). ФФН дисс., Т., 2007, 189-бет.

Вулгаризм асосидаги ундалма:

“Пикиллама-е-е, **энагар!** Нима, мен еб, сен курук колдингми?” (Тогай Мурод. “Отамдан колган далалар”).

Варваризм асосидаги ундалма:

“Менга кара, **чурбан!** Тилинг борми? Бўлса, гапир?” (Тогай Мурод. “Отамдан колган далалар”).

– Муборак бўлсин, **гирой!**

– Ия, посон бўп кетибсиз-ку! Дўппингизни бизга сотинг, **гирой!** (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”).

Бу мисолларда ҳам “чурбан” сўзи пастга уриш, менсимаслик, ҳақорат маъносидаги салбий бўёқдорликка эга бўлса, “гирой” варваризми “герой” (кахрамон) сўзининг сўзлашув нутқида хос бузилган варианты бўлиб, ёш болага нисбатан эркалаш маъносида қўлланган.

Кискартирилган исм шаклидаги ундалма:

Оғзаки сўзлашув нутқида исмларни кискартириб, чала айтиш усули мавжуд бўлиб, эркалаш, ўзаро яқинлик, ўзига яқин олиш маъноларини ифодалайди. Ижодкорлар бадний матнда бу ҳолдан персонаж нутқида услубий восита сифатида фойдаланадилар.

– Ҳа, **Нилу**, ясаниб олибсан, меҳмонга кетяпсанми? – дедим эркалаб.

– Бугун ман туғилдим, – деди у қоп-қора кўзларини пирпиратиб жилмаяркан (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”).

– Ие, қани, **Роби**, ўқи! – деди бобом қоронги айвонга туртиниб чиқаркан (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”).

– Ойи, акам ёмон-а?

– Нега, **жиннивой?**

– Ҳали ясаган қорбобомни тепиб бузиб ташлади-ку! (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”).

“Жинни” сўзи, аслида, ақлдан озган, рухий хасталикка чалинган маъносини билдиради, лекин сўзлашув нутқида “*жиннивой*” шакли ўзига яқин олиш, эркалаш маъносида қўлланади.

Юқорида Эрмон буванинг ингичка товуши келади:

– Шошманглар, **попуклар**, шошманглар, **қоровойлар**, яна беш-ўн марта кокай, хаммаларингга етади (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”).

– Тут юракни ўртаб юборади, **кўнайгурлар**. Юринглар, чой ичамиз (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”).

Эрмон бува ҳеч кимнинг исмини айтиб чақирмайди: унинг учун ҳамма қизлар – попук, ҳамма ўғил болалар – қоровойлар. Персонаж нутқи индивидуаллигини таъминлаш учун ёзувчи унинг нутқида ўзига хос ундалмаларни қўллайдики, бегубор, оккўнгил бир инсон характери гавдаланади, унинг болажонлигини, содда хатти-харакатларини тўлдиришга хизмат қилади.

– **Вой, пошша-а-а!** Нима қилиб кўйдингиз, тамом бўпсиз-ку! (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”).

Ушбу жумладаги ундалманинг маъно бўёқдорлиги “а” унлисини чўзиб талаффуз қилиш (ёзувда эса бир неча ҳарф билан ифолалаш) усули орқали ҳосил бўлган. Бу усул ҳам, асосан, оғзаки сўзлашув нутқида ҳамда бадний матнда услубий восита сифатида қўлланади.

Мулоқот жараёнида коммуникантлар ўртасидаги зиддиятнинг кучайиши – градация ҳодисасини ундалмалар орқали ифодалаш ҳам нутқий вазиятни кабарик ҳолда идрок этиш имконини бериши кузатилади.

– **Ҳусанхўжа! Ҳусанхўжа!**

– Нима? – деган ингичка овоз келди.

– Ўрик олиб туш. Ҳов, юқори шохдан. Тез бўл!

– Йиқилиб тушаман-да.

– Йиқилмайсан.

Ҳусанхўжа узун иштонини шалоплатиб яқин келди.

– Кесак отақолай?

– Майли, – деди Соат лоқайдлик билан.

Ўрик баландда эди. Ҳусанхўжа мўлжаллаб нукул кесак отар, кесаги тепа шохга етмас эди. Терлаб кетди. Бошқа болалар индамай томоша қилиб ётибди. Охири, битта кесак ўрикли шохга тегди. Учта ўрик тўпиллаб тупроққа тушди. Ҳусанхўжа югургилаб олиб келди.

– Манг, Соат ака!

– **Ювмайсанми, ахмоқ!** – Соат кўзини ола-кула қилди. – Тупрокка кўшиб емайман-ку! Хусанхўжа анҳор соҳилига қорни билан ётиб, ўрикни чайиб келди.

– Манг, ака!

– **Ёрилибди-ку, эшшак!** Менга бутуни керак! – Соат ўрикларни анҳорга улоқтирди. – Чик шохга! – деди ўдагайлаб. – Бутунидан узиб туш! (Ўткир Ҳошимов. “Тушда кечган умрлар”, 19-бет).

Ўсмир болалар – Хусанхўжа ва Соат ўртасидаги мулоқот жараёнида сўзловчининг тингловчига нисбатан субъектив салбий баҳо оттенкаси Хусанхўжа>ахмоқ>эшшак тарзидаги кучайтирув даражаланиши орқали юзага келмоқда. Асардаги вокелик собик Иттифок даврида кечганлигини эътиборга олсак, ушбу дискурсив вазиятда ёзувчининг мақсади – аллюзия ҳодисаси орқали “бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” тамойили етакчи бўлган сунъий мафкурага асосланган тузум кирдикорларини фош қилишдир (Аллюзия – (лот. *allusio* – ишора, ҳазил) – барчага таниш деб ҳисобланган реал сиёсий, маънавий, тарихий ёки адабий фактга ишора қилишга асосланган стилистик усул).<sup>1</sup> Соат образи тимсолида синфийлик асосида бир миллат вакиллари орасига нифок солиш мақсади, ҳатто ёш болалар руҳиятини шакллантириш жараёнига ҳам сингдириб юборилганини кузатиш мумкин. Салбий баҳо оттенкасини максимал даражада кучайтириш мақсади бола (шахс)га нисбатан “эшшак” ундалмасининг қўлланиши, бир томондан, сўздаги метафорик маъно орқали юзага келган бўлса, иккинчи томондан, сўздаги “ш” ундошини қаватлантириш орқали қўшимча фонопрагматик воситадан ҳам фойдаланилган. Натижада *Соатнинг “қарама-қарши синф вакили” бўлган Хусанхўжага нисбатан нафрати жуда кучли* пропозицияси бўртиб кўринади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзига хос синтактик қурилма – ундалмаларнинг лингвопрагматик хусусиятларини тилшуносликдаги янгича қарашлар, янги таҳлил методлари асосида ўрганиш фанимиз учун бой материал манбаи бўла олади.

**Отакулов Нодиржон Бахромалиевич (ЎЗМУ мустақил тадқиқотчиси)**  
**ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИДА МЕЗУРАТИВ ВАҚТ БИРЛИГИНИНГ**  
**ИФОДАЛАНИШИ**

***Аннотация.** Мақолада француз, ўзбек ва рус тилларида мезуратив вақт бирлиги ва оламнинг лисоний манзарасида ифодаланиши ўрни, мақол ва фразеологик бирликларда қўлланилиши ўрганилиб чиқилган. Шу билан бирга, тилда вақт категорияси кенг планли, гетерогенли категория ҳисобланиб, оламнинг лисоний манзарасида ўз аксини топиши, унда вақт, замон концепти ҳақида тилшунос олимларнинг фикри ўрганилиб, француз, ўзбек ва рус тилларида мезуратив вақт бирлигининг лексик, фразеологик бирлик ва мақоллар билан келганда ҳар учала тилда ҳам айнан бир хил маънода келиши ёки бошқа ФБлар билан қўлланилиши мисоллар ёрдамида ёритиб берилган.*

***Аннотация.** В статье рассматривается роль мезуративной единицы времени во французском, узбекском и русском языках и ее выражение в языковой картине мира, ее использование в пословицах и фразеологизмах. В то же время категория времени в языке рассматривается как широко спланированная, разнородная категория, отражающаяся в языковой картине мира, в которой изучается мнение лингвистов о понятии времени и пространства, а также когда речь заходит о лексических, фразеологических единицах и пословицах мезуративной единицы времени во французском, узбекском и русском языках.*

***Annotation.** In this article, a time measurative unit, the role of its expression in linguistic picture of the world and its usage in proverbs and phraseological units in French, Uzbek and Russian languages were studied. Moreover, the category of time considered as a wide planned, heterogeneous category in a language, its representation in linguistic picture of the world, view points of some linguists on the concepts of time were studied. Furthermore, it was identified whether they had the same meanings or different in French, Uzbek and Russian languages when a time measurative unit was used with lexical, phraseological units and proverbs in these three languages and revealed by giving some examples.*

***Калим сўзлар:** мезуратив, оламнинг лисоний манзараси, вақт, замон, макон, лексик, фразеологик бирлик.*

***Ключевые слова:** мезуратив, языковая картина мира, время, пространство, лексическая, фразеологическая единица.*

<sup>1</sup> Ҳакимов М. Ўзбек прагматингвистикаси асослари. Т., Академнашр, 2013, 28-бет.

## MUNDARIJA

### FIZIKA-MATEMATIKA

Ahmadov Ithom. Kasr tartibli integro-differensial operator qatnashgan yuklangan parabolik-giperbolik tipdagi tenglama uchun trikomi masalasiga o'xshash masala.....	3
Алиқулов Самар Саттор ўғли. Квант физикасида экспериментларни моделлаштириш асослари хақида.....	7

### OGAHIYXONLIK

Гайипов Дилшод. Огаҳий шеърятдаги қофия санъатларига доир.....	10
--	----

### FALSAFA

Куйлиев Бобур Тўлкинович. Давлат ва жамият ўзаро муносабатидаги таъкид этишнинг назарий-методологикасослари.....	14
Қиличев Феруз. Шахс экологик маданиятини юксалтиришда диний қадриятларнинг ўрни.....	17
Бабажанов Сарварбек Бекпулатович. Аргументлашнинг тарихий-фалсафий илдиэлари.....	20
Жўраев Алишер Тўлкинбойевич. Инсоннинг ўз-ўзини айнанлаштиришида давлат омилининг роли.....	24
Азизов Тухтаминш Аъзамович. Фавқуллода вазиятларда экологик хафсизлик борасидаги давлатлар ўртасидаги сиёсат.....	27

### TARIX

Махмудов Бехлод Хамидович. Қарлук-қорахонлар давлатида ҳарбий бошқарув тизими.....	30
Кудайбергенова Дилфуза Аскаревна. Қорақалпоқ аёлларининг безаниш буюмлари.....	33
Айтмуратова Жаңылсын Жалғасовна. Миллий маданиятимизнинг ривожланишида театр зиёлиларининг хизмати.....	35

### TILSHUNOSLIK

Абдувахабова Дилноза Нурмаҳаматовна. Эмотивлик категорияси замонавий тилшунослик парадигмасининг бир қисми сифатида.....	39
Мадаминова Муҳаббат. Ундалманинг лингвопрагматик хусусиятлари.....	41
Отақулов Нодиржон Баҳромалиевич. Оламнинг лисоний манзарасида мезуратив вақт бирлигининг ифодаланиши.....	45
Давлатова Раъно Ҳайдаровна. Дейксис ҳодисасида мулоқот шахсининг ўрни.....	50
Каримова Зулнура Гуламқодировна. Ўзбек ва инглиз тилларида сўз-гапларнинг гендер хоэсланиши.....	54
Зикруллаева Хусния Бахтиеровна. История развития узбекской научно-технической терминологии.....	58

### ADABIYOTSHUNOSLIK

Ro'zimboyev Safarboy, Самандарова Лола Султановна. Фольклор ва фольклоризмлар хақида.....	62
Пирназарова Манзура Матназаровна. Халқ калбидаги ижодкор.....	64
Ганиева Орзул Хайридиновна. "Қайғуларимиз зимистони" романида инсон ва жамият муносабатлари тасвири.....	67
Шарипова Раҳима. Рауф Парфи шеърятда шамол рамэлари талқини.....	70
Абдурашитова Эльвира Тафқильевна. Гендерная идентификация персонажей в литературе.....	73

### PEDAGOGIKA

Худайберганов Гайрат Қуранбоевич. Математика дарсларида таъбикий масалалардан фойдаланиш.....	76
Махаметова Дилнавоз Ботировна. Малака ва ташкилотчиликнинг талабалар амалий чет тил кўникмаларини ривожлантиришдаги ўрни.....	79